2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 52 (841), 2023 йил 16 март, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРОДАРЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Анқара шаҳрига келди.**



Эсенбоға халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Анқара музофоти раҳбарияти ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига ушбу мамлакатнинг жануби-шарқий музофотларида ўтган ойда рўй берган вайронкор зилзилалар муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Жабр кўрган музофотларни қайта тиклаш ва янги инфратузилмани барпо этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Туркия Президенти, ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти ва халқига табиий офат оқибатларини бартараф этишда кўрсатган биродарлик ёрдами, қутқарув ишларидаги фаол иштироки ва жабрланганларга инсонпарварлик кўмаги учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдирди.

Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда саммити ташкилотдаги мамлакатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва биродарлик ришталарининг ёрқин ифодаси бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларининг ривожланиш суръати мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, ўтган йили 370 та янги корхона ташкил этилди. Кейинги олти йилда Туркиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард долларни ташкил этди.

Энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, енгил саноат ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси, шу жумладан, Стратегик шериклик кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарларининг учрашуви ҳар доимгидек очиқ, ишончли ва дўстона муҳитда ўтди.

Якунда Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октай Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

**ЎзА**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ БОШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Туркни қабул қилди.**



Инсон манфаатларини илгари суриш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон билан БМТ тузилмалари ўртасидаги конструктив мулоқот ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда БМТ билан ушбу соҳадаги ҳамкорликда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистондаги ислоҳотлар стратегиясининг бош устувор йўналиши эканини таъкидлади.

БМТ Олий комиссари Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни илгари суриш, суд идораларининг мустақиллигини ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури қабул қилингани, мамлакатимиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилгани, қийноқларнинг олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги превентив механизм яратилгани, шунингдек, можароли ҳудудлардан хотин-қизлар ва болалар ўз юртига қайтарилгани, улар қайта ижтимоий интеграциялашуви учун барча зарур шароитлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йиллар даврига сайлангани ҳамда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида ёшлар ҳуқуқларига оид Кенгашнинг қатор резолюциялари қабул қилингани инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларнинг кенг эътирофи бўлди.

Олий комиссар БМТ тузилмаларининг Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислоҳотларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш нияти қатъий эканини тасдиқлади. Инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва пенитенциар муассасалар ходимларини ўқитиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув якунида конструктив мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ПЕНСИЯ ОЛУВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия олувчиларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг шаҳар йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишида қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида **пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатилади.**

Бунда, Тошкент метрополитенининг мазкур бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатиш эвазига олинмай қолган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 15 март

## НУҚТАИ НАЗАР



# ЖСТ ВА ЎЗБЕКИСТОН

## ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

**2023 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадига қаратилган ушбу тартиб Президентимизнинг 2023 йил 28 февралдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги фармонида белгилаб қўйилди.**

Давоми 3-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

# ГИБРИД ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТ ТИЗИМИ

## самарали, тежамкор, барқарор

**Мамлакатимизда энергия хавфсизлигини таъминлаш, энергетик самарадорликни ошириш, иқтисодиёт тармоқларида энергия тежамкор ва энергия самарадор технологияларни жорий этиш, хусусан, "яшил" энергетика ва "яшил" иқтисодиёт тамойилларини рўёбга чиқариш бўйича асосий вазифалар белгилаб берилган. Ана шу вазифаларда йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергиясини тежаш, унинг ўрнини "яшил" энергия манбалари ҳисобидан қоплаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш кўзда тутилган. Бу борада катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятида 100 МВтли қуёш электр станцияси, Қорақалпоғистонда 100 МВтли шамол электр станцияси қурилмоқда. Бундай йирик қуёш фотоэлектр станциялари сони янада ортади.**

Давоми 4-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР

## БАНДЛИК, ДАРОМАД ВА ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИДА НАМОЁН

**Кейинги йилларда Сурхондарёда аграр тармоқ қаторида саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ҳам изчил ривожланиб, янги иш ўринлари яратиляпти.**
**Одамларни йиллар давомида ўйлантириб келган йўллар, ичимлик сув, электр энергияси билан боғлиқ масалалар ечилди. Шаҳарликлар ҳам орзу қиладиган боғча, мактаб, маҳалла бинолари, энг замонавий тиббий жиҳозларга эга оилавий поликлиникалар қад ростламоқда.**

**Фахриддин САМАДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Бугун вилоятда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб беҳад қувонасиз, бахтиёр бўласиз. Катта-катта марраларни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси аҳолини фаровонликка, тараққиёт сари дадил етаклаб боряпти. Очиғи, кейинги 6 йилдаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб, ўн йиллаб ҳал бўлмаган масалаларни, мана, қилса бўлар экан-ку, дейсиз.

Ўтган даврда воҳада одамлар яшаш шароити яхшиланиши, доимий ишли ва даромад манбаига эга бўлиши, оиласи билан тинч-хотиржам яшаши учун улкан ишлар қилиндики, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Вилоятда 2016 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 12 триллион 179 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунида 34 триллион 858 миллиард сўмга етди.

Шу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 триллион 200 миллиард сўмдан 7 триллион 298 миллиард сўмга етказилди. Вилоятда 2016 йил 25 минг 674 корхона фаолият юритган бўлса, ўтган йил якуни билан уларнинг сони 46 минг 250 тадан ошди.

Воҳада "маҳаллабай" ишлаш тартиби жорий этилиб, ҳар бир маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўлга қўйилди.

Бир пайтлар ичимлик сув таъминоти энг оғриқли масалалардан бири эди. Президентимиз ташаббуси билан вилоятда бу муаммо аста-секин чекина бошлади. Сурхондарёликларни узоқ йиллар қийнаб келаётган тоза ичимлик сув масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, 302 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Бу аҳолининг яшаши учун қулай шарт-шароит яратиш баробарида ҳудудларни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши билан электр истеъмоли ҳам кундан-кунга ошмоқда. Шу боис, вилоятда бу борада юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга кўмаклашиш учун Тўпаланг дарёсида қуввати 75,6 МВт бўлган Зарчоб-1 ва Зарчоб-2 кичик ГЭСлар каскади қурилиб, ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигини сув билан таъминловчи 28 та электродвигатель ҳамда ҳар хил русумдаги 15 та насос агрегати янгисига алмаштирилиб, 7,3 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Бугун вилоятнинг қай бир гўшасига борманг, шаҳар ва қишлоқларда янгилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида ҳудудларда сайловчилар билан мулоқотлар ўтказамиз.

Очиғи, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Энг муҳими, одамлар кайфияти юқори, мамлакатдаги ислоҳотлардан мамнун. Оддий мисол. Яқин-яқингача вилоятда пахсадевор мактаблар, томлари лой сувоқли уйлар бўлган бўлса, бугун улар кескин камайди. Мавжуд таълим муассасалари реконструкция қилиняпти, янгилари барпо этилмоқда.

Инсон қачон хотиржам ҳаёт кечиради, қачонки ўз уйига эга бўлса. Бугун ана шундай бахтга мушарраф бўлаётган юртдошларимиз сафи кундан-кун кенгайиб бораётгани эътиборга молик. Масалан, вилоятда ўтган йили 3390 хонадонли 92 та уй-жой бунёд этилди. Бу, ўз навбатида, минглаб фуқароларимиз кўнглини тоғдай кўтариб, эртанги кунга ишончини янада оширди.

Қисқа даврда тиббиёт, таълим тизимларида юз берган янгиланишлар ҳам одамларда ислоҳотларга ишонч, юрт тараққиётига дахлдорлик туйғусини юксалтирмоқда. 2017 йил вилоятда атиги 294 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, жорий йилда улар сони 2444 тага етди. Қамров 2017 йилги 13,6 фоиздан 62,2 фоизга етказилди.

Албатта, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун йирик миқдорда маблағ ажратилиб, воҳа салоҳиятидан оқилона фойдаланилмоқда. Хусусан, 2022 йилнинг ўзида вилоятда қиймати 591,8 миллион долларлик 956 та лойиҳа амалга оширилиб, 15 минг 173 иш ўрни яратилди. Қиймати 53 миллион долларлик 11 та йирик ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилиб, 810 кишининг бандлиги таъминланди.

Ўтган йили 250,9 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 258,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. 131,4 миллион долларлик саноат, 126,7 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулоти хорижга жўнатилди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугун узоқни кўзлаб юритилаётган прагматик халқчил сиёсат туфайли одамлар елкасидан ташвиш, муаммолар тоғи ағдарилмоқда, кўнгилларга чўккан қоронғу пардалар сидириб ташланмоқда. Одамларга орзу-ҳаваслар, фахр-ифтихор, шодлик қайтмоқда.

Президентимизнинг шу йил 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташрифи ҳам катта воқеликка айланди. Давлатимиз раҳбари воҳада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз берган янгиланишлар билан танишди. Янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналарнинг тантанали очилиш маросимларида иштирок этиб, вилоят фаоллари билан учрашди.

Хусусан, Президентимиз Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши сессиясида вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш масаласига тўхталиб, қатор аниқ вазифаларни белгилаб бердики, бу ишсиз юрган ёшлар, хотин-қизларни ҳаракатга келтиргани, фаолликка чорлагани рост.

Айниқса, вилоятда 1 июлгача оилавий тадбиркорлик дастурлари учун берилган 1,1 триллион сўмга қўшимча 200 миллиард сўм ажратилиши, Жарқўрғондаги бизнес ва енгил саноат ҳамда Узундаги қишлоқ хўжалиги техникумлари бўш биноларида 1 минг ўқувчи ўрнига эга мономарказлар ташкил этилиши бизнесни ривожлантириш билан бирга аҳоли даромадини ошириш, бандликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бугун сурхондарёлик ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётида мўъжизалар рўй берди, десак муболаға эмас. Жорий йилда меҳнат бозорига кириб келадиган 50 минг ёшнинг 14 минг нафарига 350 миллиард сўм кредит берилади, 16 минг нафарига деҳқончилик учун ер ажратилса, 10 минг нафари бўш иш ўринларига жойлаштирилади.

Ёрдамга муҳтож 18 мингдан зиёд хотин-қиз касбга ўқитилиб, меҳнат қуроллари учун 15 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали бандлиги таъминланади. Тадбиркор бўлиш истагидаги 10 минг аёлга 200 миллиард сўм кредит ажратилади, 5 минг нафари уй шароитида касаначиликка жалб қилинади. Буларнинг ҳаммаси ёшлар ва хотин-қизларнинг эртанги кунга ишончини янада ошириб, уларни муаммолардан қутқаради.

Эзгуликка йўғрилган амаллар, халқчил саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳар бир инсоннинг қаерда яшаши ва ишлашидан қатъи назар, қадр топиши, фаровон яшаши, мурод-мақсадига етиши учундир. Президентимиз қай бир вилоятга бормасин, аввало, инсонни рози қилишга, унинг фаровон яшаши учун зарур шароитлар, имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратяпти. Сурхондарёда ҳам худди шундай бўлди.

Ташриф доирасида одамлар турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилдики, буларнинг барчаси яқин йилларда ҳам аграр воҳа бўлган вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, ҳудуднинг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, ҳар биримиз ислоҳотлар жараёнига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, инсон қадри улуғланган юрт ривожи, тараққиёти учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# КОНСТИТУЦИЯДА ЎҚИТУВЧИ МАҚОМИ: УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

**Ихтиёр БЕКОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети профессори**

**Бугун дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган таҳликали воқеалар инсониятдан огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни, тинчлик ва тараққиёт йўлида ҳамжиҳатликни кучайтиришни талаб этаётир. Табиийки, бу глобал масалаларни ҳал этишда ёшлар сиёсати ва таълим ислоҳотларининг ўрни муҳим.**

Таълимнинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида сўз борар экан, жадид боболаримиз ўгитлари тасаввуримизда қайта-қайта жонланади. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу борада тўхталиб, **"Сизларға васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Уртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар"**, деган эди.

Ватанпарвар аждодларимизнинг бу борадаги чақириқлари, даъватлари бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Президентимиз конституциявий ислоҳотлар зарурияти ҳақида гапирганда, таълим, илм-фан ва инновацион ривожланиш, айниқса, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши замирида ҳам ана шу мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбари бу борада Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб, **"Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир"**, дея таъкидлаган эди. Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни янги таҳрирдаги Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилганди.

Нега айнан ўқитувчилар мақоми Конституция даражасида муҳофаза қилиниши керак, бошқа касблар шундай эътиборга лойиқ эмасми, деган савол туғилиши табиий. Ўқитувчи ва мураббийлар ҳурматини бу мақомда мустаҳкамлаш аслида инсон ҳурмати, инсон қадри масаласи ҳисобланади. Зеро, таълим сифатини замонавий билимларга эга ҳаётдан рози ўқитувчисиз таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун эса ўқитувчининг ижтимоий ва моддий фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳурматини жойига қўйиш талаб этилади.

Бу борада халқаро тажрибага назар соладиган бўлсак, Япония, Хитой каби Осиё давлатларидаги иқтисодий мўъжиза таълим ислоҳоти билан боғлиқ. Ёки Корея ва Сингапур тажрибасини олайлик. Улар ўтган асрнинг 60-йилларида қолоқ мамлакатлар бўлган. Инвестицияни таълимга жуда оқилона сарфлаш натижасида бугунги кунга келиб, бу давлатлар Осиёнинг энг илғор мамлакатларига айланди.

Тан олишимиз керак, илгари Конституция, деганда аксарият ҳолларда давлат органлари мақоми тушунилса, эндиликда ҳар биримиз ва фарзандларимизнинг келажаги учун сув ва ҳаводек муҳим бўлган масала — ўқитувчининг мақоми ҳам мустаҳкамланмоқда. Янги норма давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мактаблар ва ўқитувчилар фаолиятига асоссиз аралашувига, педагог кадрларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг меҳнатга мажбурланишига, таълим-тарбия жараёнига тўсқинлик қилишга, ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича комплекс чораларни кўришга хизмат қилади.

Кўп йиллар халқимизни ташвишга солиб келган мажбурий меҳнат ҳолатлари ҳам ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақоми бўйича бўшлиқлар натижаси бўлган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳуқуқий бўшлиқ оқибатида ижро органлари томонидан ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини камситувчи турли кампаниябозлик ҳолатлари давом этаверди. Бунда ўқитувчилар аҳоли қарздорлигини ундириш, турли рўйхатларни шакллантириш, зерикарли тадбирларда бўш залларни тўлдириш каби мантиқсиз фаолият билан банд этилгани ҳам айни ҳақиқат.

Бу борада Президентимиз 2018 йилда халқ таълими ходимларини хизмат вазифаларига боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, жумладан, туман ва шаҳарларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига ва бошқа турдаги ишларга жалб қилишни тақиқлаш тўғрисидаги фармонни имзолаб, кенг жамоатчилик ҳам ўқитувчилар қадрини кўтариш ишларига астойдил бел боғлаганини алоҳида эслаб ўтиш жоиз.

> **Ўқитувчи мақоми Конституция даражасида белгиланиши давлатнинг илм-фан, маърифат ва таълим бўйича туб ислоҳотлар қилишга чоғланганини кўрсатади. Ўқитувчининг ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятлари Асосий қонун орқали мустаҳкамланиши уларни ҳар қандай тарзда чеклашнинг олдини олади.**

Таъкидлаш жоизки, мазкур конституцион норма ўқитувчиларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиши, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар беришга хизмат қилади. Шунингдек, янги тизим ўқитувчилик касбини нафақат молиявий, балки интеллектуал жиҳатдан ҳам жозибадор қилишга асос бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича барча куч ва ресурслар, саъй-ҳаракатлар сафарбар этилишини англатади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, биз яшаётган шиддатли ахборот замонида кечаги билим бугунги кунга тўғри келмаяпти. Хусусан, 20 йил олдин саводхонлик асосан, фақат китоб ёки матнни ўқиш, деб тушунилган бўлса, бугунги кунда билим билан биргаликда уни амалиётга жорий эта олишингиз лозим. Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш ўқитувчининг тинмасдан ўз устида ишлаши, ҳар куни замонавий билимларни эгаллашини тақозо этади. Янги норма шу маънода ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишига катта мотивация ва туртки беради.

Таъкидлаш жоизки, ЮНЕСКОнинг 1966 йил 5 июлдаги "Ўқитувчилар мақоми тўғрисида"ги тавсияси 7-бандида педагогнинг эркинлик принципи мустаҳкамланган. Шунингдек, мазкур нормага ўхшаш қоидалар Германия, Португалия, Уругвай, Эквадор, Миср конституцияларида ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу норма давлат органлари ва бошқа ташкилотлар педагог кадрлар шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, улар меҳнатга мажбурланишига, таълим-тарбия жараёнига тўсқинлик қилишнинг ҳар қандай шаклларига, ўқитувчилар ҳуқуқи бузилишига йўл қўймаслик бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 685 мингдан ортиқ ўқитувчининг давлат томонидан профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши кучайтирилиши уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

МУЛОҲАЗА

# ТИББИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ НЕГА КЕРАК?

**Нозимахон ҒОФУРОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент**

**Бугун ҳаётимизда "телетиббиёт" сўзи кўп учрай бошлади, лекин бу тушунча кўпчилик учун янгилик бўлиб, у ҳақида етарлича тасаввурга эга эмасмиз. Аслида телетиббиёт рақамлаштириш жараёнининг ҳаётимиздаги барча жабҳага, жумладан, тиббиётга ҳам кириб келгани тасдиғидир.**

Рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш соғлиқни сақлаш тизимини жадал ривожлантираётган асосий омиллардан бўлиб, кўплаб мамлакатларда оммалашмоқда. Телетиббиёт туфайли аҳолининг вақти, моддий ресурслари тежалади. Уйида ўтириб клиникани, шифокорни танлаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, тиббий хизматлардан тенг ва осон фойдаланади. Бошқача айтганда, телетиббиёт тиббий хизматларни замонавий техник ва телекоммуникация воситалари орқали масофадан туриб олишдир. Онлайн теледиагностика юртдошларимизга уйидан чиқмасдан туриб энг илғор маҳаллий ва хорижий экспертлар маслаҳатини олиш имконини беради. Натижада беморларнинг вақти ва маблағи тежалиб, йўлкира ва бошқа қийинчиликлардан қутулади.

Ҳар қандай соҳадаги, жумладан, телетиббиётдаги муносабатлар ҳам ҳуқуқий тартибга солинишга муҳтож. Тиббиёт ҳуқуқи ҳозирги юриспруденциянинг жадал ривожланаётган тармоғи бўлиб, соғлиқни сақлаш бўйича барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутади. Шу маънода, телетиббиёт тиббиёт ҳуқуқининг тартибга солиш предметидир. Ҳозирга қадар кўплаб давлатларда телетиббиёт тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Юртимизда ҳам телетиббиётни тартибга солувчи махсус қонунни қабул қилиш давлат дастурида акс эттирилган. Шу ўринда телетиббиёт тўғрисидаги қонун мамлакатимиз учун нимага керак, деган савол туғилиши мумкин. Биринчи навбатда, қонун телетиббиётга доир мураккаб жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади. Ҳуқуқ устуворлигини таъминлайди. Телетиббиёт жараёнидаги барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Мамлакатимизда телетиббиёт халқаро миқёсда тан олинган олим, академик Малика Абдуллахўжаеванинг саъй-ҳаракати туфайли фаол ривожлана бошлади. 2000 йилларнинг бошида у биринчи бўлиб Республика патологоанатомия марказида телетиббиёт лабораториясини очди ва шу ерда бутун мамлакат аҳолиси учун онлайн диагностикани йўлга қўйди. Ўша йиллари у нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги илк телетиббиёт лабораторияларидан эди. Малика Абдуллахўжаева бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан илк маротаба "Телетиббиёт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва муҳокамага қўйилган.

Тиббиёт тизимини рақамлаштириш нафақат юртимиз, балки ҳар қандай давлат учун хос бўлган қатор муаммолар, айниқса, қишлоқ жойларда сифатли тиббиётнинг мавжуд эмаслиги масаласини ҳал қилиш учун кенг майдон ва имконият очади. Бу борада АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Австралия, Греция, Ирландия, Испания, Канада, Франция, Швеция, Швейцария каби давлатлар анча илғор. Шунингдек, Россия, Украина, Беларус, Молдова, Грузия, Арманистон, Қозоғистонда ҳам телетиббиёт бўйича кўплаб лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда.



Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилингани Янги Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси ривожида катта қадам бўлди. Концепцияда юртимизда электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этиш, яъни телетиббиётни ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Жумладан, телетиббиёт орқали юртдошларимиз барча тиббиёт муассасалари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида бемалол ахборот олиши, уларни даволайдиган шифокорлар ҳақида маълумотга эга бўлиши, ҳатто қабул вақтини ҳам масофадан электрон навбат орқали банд қилиб қўйиши мумкин. Шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар сифатини, жумладан, тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш учун мобиль иловалар орқали тизимдан фойдаланиш имконига эга.

Телетиббиёт нафақат аҳоли, балки тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратади. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида стандартлаштириш тизимини амалга ошириш, электрон ҳужжат билан ишлашни жорий этиш орқали иш жараёни (тиббиёт карталари ва касалликлар тарихини тўлдириш, электрон рецептлар бериш), тиббиёт ходимлари, дори-дармон, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисоби ва мониторингини юритиш осонлашади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан телетиббиёт бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йил июнь ойида Роберт Кох институти ва Берлиндаги Шарите клиникаси билан ҳамкорликда маълумотларни тўғридан-тўғри Германияга узатувчи икки тўплам телетиббиёт ускунаси харид қилиниб, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Зангиота шаҳридаги 1-шифохонага ўрнатилди. Ютуқларимиздан яна бири — Германиянинг GITEC Consulting компанияси кўмагида 2021 йил август ойида Тошкент шаҳри ва саккизта вилоят орасида МРТ тасвирини масофадан туриб алмашиш тизими ишга туширилди. Шу билан бирга, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудидаги тиббиёт муассасаларини телетиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширилди. ITMed компанияси ташаббуси билан Германиянинг Роберт Кох институти ва GIZ халқаро ҳамкорлик бюроси билан биргаликда 2021 йил октябрь ойидан Фарғона вилояти Сўх тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида телетиббиёт тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилояти ва Нукус шаҳри филиалларида тўлиқ ишга туширилган.

Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро тажрибага таянган ҳолда "Телетиббиёт тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, шунга мувофиқ зарур ресурслар билан таъминлаш зарурати юзага келди. Ушбу саъй-ҳаракатлар шаффоф ва ишончли тиббиётни шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади ва аҳоли саломатлигини ҳуқуқий муҳофаза қилишга самарали таъсир кўрсатади.

НУҚТАИ НАЗАР

# ЖСТ ВА ЎЗБЕКИСТОН

## ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?



**Жасурбек ОТАНИЁЗОВ,
иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Мораторий, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, экспорт ҳажмини ошириш ва географиясини кенгайтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қатъий ва ортга қайтмас эканига ишора ўлароқ, бу борадаги ишлар самарадорлигига хизмат қилади.

Аслини олганда, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Лекин ҳозир уларнинг самарасини акс эттирувчи айрим рақамларни келтириб ўтиш ўринли бўлади. Жумладан, сўнгги олти йилда саноат корхоналари сони 2 баробар ортди. Натижада, ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга биргина ўша йилда 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди, шунга мос равишда экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етди. Бунда, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдан тортиб уларнинг эркин фаолият юритишига доир қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб, тартиби соддалаштирилгани, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш кучайтирилгани, мамлакат хомашё экспортидан тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш йўлида қўшилган қиймат занжирини яратишга устувор аҳамият қаратаётгани ютуқларимизнинг асосий омиллари бўлди.

Ўзбекистон ишлаб чиқариш саноатида туб бурилиш ясаб, катта мақсадлар билан дадил одимлар экан, яқин орада тадбиркорларимизга янада катта ва кафолатли бозор керак бўлиши табиий, албатта. Айни шу боис ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан имтиёзли савдо-сотиқни кучайтириш, шунингдек, юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида жаҳон бозорларидан мустаҳкам ўрин эгаллаш ва шу орқали миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик ҳам айни мақсадга қаратилгани, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши билан аҳамиятли.

Бу борада Бош вазир ўринбосари Жамшид Хўжаев шу йил 14 март куни Женева шаҳрида Жаҳон савдо ташкилоти Бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашиб, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Учрашувда ЖСТга аъзо барча давлатлар билан товар ва хизматлар бозорларига кириб бориш юзасидан икки томонлама музокараларни фаоллаштириш ва уларнинг якунлари бўйича тегишли баённомаларни имзолаш зарурлиги қайд этилди.

Нгози Оконжо-Ивеала Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиш жараёни доирасидаги саъй-ҳаракатлари, шу жумладан, йирик аъзо давлатлар билан икки томонлама музокаралар олиб бораётганини олқишлади.

Шундан сўнг икки кун давом этган Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича Ишчи гуруҳининг 6-йиғилишида ушбу жараён билан боғлиқ жиҳатлар атрофлича кўриб чиқилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш” асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган. Бу мақсадга эришишда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан музокаралар ўтказиш, мутахассисларнинг ташкилот ва кўп томонлама савдо тизими соҳасида салоҳиятини ошириш, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишининг металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобилсозлик ва миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш, ташкилот қоидаларига мувофиқ бўлган ички бозорни нотариф чоралар орқали ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш чораларини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, янги бозорларга чиқиш орқали ташқи рақобатбардошликни кучайтириш учун қулай шароит яратади.

Келинг, шу ўринда бу ўзи қандай ташкилот экани, унга аъзо бўлиш учун нималар талаб этилиши, бу аъзо давлатларга нима бериши, Ўзбекистоннинг ташкилот аъзолигига кириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва уларнинг самараларига тўхталиб ўтсак.

> **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖСТГА АЪЗО БЎЛИШИ БОШҚА ДАВЛАТЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ, ЯНГИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШ ОРҚАЛИ ТАШҚИ РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТАДИ.**





> **МАМЛАКАТНИНГ ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШИ УНГА ЮҚОРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН АФЗАЛЛИКЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, АЪЗО ДАВЛАТЛАР УЧУН АЙРИМ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲАМ БЕЛГИЛАЙДИ. БУ ЖАРАЁН УЗОҚ МУДДАТЛИ ВА МУРАККАБ МУЗОКАРАЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ, ИНСОН РЕСУРСЛАРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ САЛОҲИЯТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, САНОАТ СОҲАСИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ КАБИЛАРНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.**

### Жаҳон савдо ташкилоти қандай тузилма?

1995 йилда ташкил этилган Жаҳон савдо ташкилоти давлатлар ўртасидаги савдонинг глобал қоидалари билан шуғулланадиган ягона халқаро орган сифатида Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ГАТТ) ўрнини эгаллади. ЖСТнинг асосий мақсадларидан бири протекционизмга қарши курашиш ҳисобланади. Мазкур ташкилот халқаро савдо муносабатларида ташкилотга аъзо мамлакатлар учун қулай ҳуқуқий тизимни тақдим этади. Улар томонидан ўзаро келишилган ҳолда қабул қилинган ҳужжатлар мамлакатларнинг ўз савдо сиёсатини белгиланган мезонлар доирасида олиб боришларида масъулият юклайди. Ташкилотда қарорлар иштирокчи мамлакатлар ёрдамида консенсус — умумий овоз бериш орқали қабул қилинади.

ЖСТнинг вазифалари маълум қоидаларга асосланган тизим доирасида савдо жараёнини тартибга солишга ёрдам бериш, ҳукуматлар ўртасидаги савдо низоларини холисона ҳал этиш, савдо музокараларини ташкил этишдан иборат. Ушбу фаолият мазкур ташкилотнинг 60 та келишувига — халқаро савдо ва савдо сиёсатининг асосий ҳуқуқий нормаларига асосланади. Ушбу келишувлар асос бўлган тамойилларга камситилмаслик, эркин савдо шартлари, рақобатни рағбатлантириш ва кам ривожланган мамлакатлар учун қўшимча қоидалар киради. ЖСТ унга аъзо бўлган мамлакатлардан ички бозорни эркинлаштиришни қатъий талаб қилади. Аксарият мамлакатларда ушбу вазифани бажариш унчалик осон кечмайди, чунки арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хорижий корхоналар билан рақобатлаша олмайдиган миллий корхоналар таназзулга учраши мумкин.

ЖСТ дунёдаги энг йирик халқаро иқтисодий ташкилот ҳисобланади. Буни унга 164 давлат аъзо экани, улар глобал савдо ва бутун дунё ялпи ички маҳсулотининг 98 фоиздан ортиғини ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Ҳозирда ушбу ташкилотга 23 мамлакат халқаро савдо тизимига интеграциялашувни кучайтириш мақсадида қўшилишни мақсад қилган, бу борада ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳам ЖСТга аъзоликка кириш юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Бу халқаро савдо тизими ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Улар ЖСТга аъзо бўлиш орқали ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида камситилмайдиган ва адолатли савдо тизими, тарифларни ҳимоя қилишнинг максимал даражаси ва импорт квоталари бекор қилиниши, рақобатбардошлик даражасини ошириш учун товарларни арзон нархларда импорт қилиш каби муҳим афзалликларга эга бўлади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусий секторни зарарли савдо фаолиятидан ҳимоя қилишда кўмаклашиш, мамлакатдаги савдо билан шуғулланувчи институтлар фаолиятини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий ва институционал сиёсатни тартибга солишда ёрдам кўрсатиш, халқаро савдо соҳасидаги музокараларида фаол иштирок этиш, халқаро савдони ривожлантиришга оид нормалар ишлаб чиқиш орқали ташкилотга аъзо мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ташкилотнинг афзалликларидан ҳисобланади.

Мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши унга юқорида қайд этилган афзалликларни тақдим этиши билан бир қаторда, аъзо давлатлар учун айрим мажбуриятларни ҳам белгилайди. Бу жараён узоқ муддатли ва мураккаб музокаралардан иборат бўлиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, инсон ресурслари ва институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш, саноат соҳасида барқарор ривожланишга эришиш кабиларни талаб этади.

### Қарийб 30 йиллик аъзолик жараёни

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишга тайёргарлик жараёни 1994 йилда бошланган, бироқ бу даврда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат олиб борилганлиги сабабли мазкур жараён 2005 йилда музлатиб қўйилган.

Ҳар бир давлатнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни ўртача 9-10, айрим мамлакатлар учун эса 12-15 йилни ташкил этади. Ўзбекистон 1995 йилда ариза топширган бўлишига қарамасдан, фақат 2017 йилдан бошлаб ижобий силжиш кузатиляпти. Бунга сўнгги йилларда республика иқтисодиётида давлатнинг роли ва иштирокини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларини бошқаришга бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва “хуфёна” иқтисодиёт улушини қисқартириш йўлида қатъий чоралар кўрилаётганини муҳим жиҳат сифатида кўрсатиш мумкин. Шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, хорижий капитални кенг жалб этиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилганлиги ижобий таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизда 2016 йилдан кейин бошланган миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш борасидаги фаол ислоҳотлар натижасида 2018 йил март ойидан Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзоликка кириш жараёни кун тартибига чиқди. 2019 йил июль ойида Ўзбекистон ЖСТ аъзолигига кириш юзасидан Ташқи савдо режими тўғрисидаги янгиланган меморандумни ва бошқа бир қатор ҳужжатларни, жумладан, товар ва хизматлар бозорига кириш бўйича ишлаб чиқилган дастлабки таклифларни тақдим этди.

“Ўзбекистоннинг ЖСТга киришига кўмаклашиш” бўйича ишлаб чиқилган беш йиллик лойиҳаси Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мазкур лойиҳа 2020 йил февраль ойида бошланган бўлиб, унда мамлакатнинг ЖСТга қўшилиш жараёнида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича ривожланиш режаларини қўллаб-қувватлашга асосий эътибор берилган. Лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад — ташкилот томонидан белгиланган қоидаларга мос келадиган савдо муҳитини яратиш орқали Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ҳамда халқаро савдо тизимига интеграциялашувини кучайтиришдан иборат.

ЖСТга аъзоликка кириш жараёни Ўзбекистон учун камида 15 та битимда белгиланган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олишни тақозо қилади. Бу битимлар кенг қамровли ва мураккаб бўлиб, улар кенг доирада жаҳон савдоси масалаларини қамраб олувчи юридик ҳужжатларга таянади. Мазкур битимлар аъзо мамлакатларнинг ташқи савдо салоҳиятини оширишга қаратилган дискриминацияга йўл қўймаслик, савдо тўсиқларини бартараф этиш, рақобатбардошликни ошириш, етарли даражада ривожланмаган давлатлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, савдони тариф усуллари билан тартибга солиш, савдо сиёсатининг ҳалоллиги каби муҳим тамойилларга асосланади. Чунки мазкур тамойилларга амал қилиш орқали ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулотларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, янги бозорларга кириб бориш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, ривожланмаган, ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларга ҳар жиҳатдан қулайлик яратишга эришилади.

Ҳозирги кунда юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, жаҳон мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунки глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кучайтириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мазкур жараён маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучлари билан жадал алмашинув жараёнларининг ривожланиши, ижтимоий масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш, янги бозорлардаги рақобатлашув жараёни таъсирида янада юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви, халқаро савдо муносабатларида қулай шароитлар яратилиши ҳамда янги технологияларнинг кенг тарқалиши ва жорий этилишига имкон яратади.

Маълумки, ЖСТнинг бош ғояси ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида эркин савдо сиёсатини олиб бориш учун қулай шароит яратишга қаратилган. Бундан асосий мақсад ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо муносабатларида адолатли рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобланади.



Шунга кўра, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишидаги дастлабки устувор вазифа, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган маҳсулотларни хориждан импорт қилинган ҳамда тариф ва нотариф тўсиқлар қўйилмаган маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва унинг савдосидаги рақобатлашув ҳолати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технология ҳамда инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда янада ривожланишга ундайди.

### Ўзбекистон учун самараси қандай?

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишидаги муҳим жиҳатлардан бири сифатида шуни қайд этиш мумкинки, мамлакатимиз ташқи савдо ҳамкорларининг аксарият қисмини мазкур ташкилотга аъзо давлатлар ташкил этади. Мазкур давлатлар билан амалга ошириладиган савдо-иқтисодий муносабатларда Ўзбекистоннинг учинчи давлат сифатидаги иштироки натижасида мамлакатимиздан экспорт қилинадиган товарларга нисбатан юқори бож ставкалари ҳамда нотариф тартибга солиш усуллари кенг жорий этилишининг экспорт салоҳиятига салбий таъсири бартараф этилади. Бу ҳолатни амалий рақамлар мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 204 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг салмоқли ҳиссасини айнан ташкилот таркибига кирувчи давлатлар ташкил этади. Хусусан, 2022 йил якунига кўра, мамлакатимиз жами ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпи, яъни 61,5 фоизи айнан ЖСТ таркибига кирувчи мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда Россия 18,6 фоизни, Хитой — 17,8, Қозоғистон — 9,2, Туркия — 6,4, Корея Республикаси — 4,7, Қирғизистон — 2,5 ва Германия 2,3 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимиз экспорт географияси ҳамда асосий ҳамкор мамлакатлар ҳисобланган ЖСТ таркибига кирувчи давлатлар билан ташқи савдо муносабатлари кўламини янада кенгайтиришга қаратилган фаол чоралар кўрилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ташкилот таркибига кирувчи давлатлар экспорт ва импорт бўйича асосий ҳамкор давлатлар сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Яна бир муҳим жиҳат: Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзоликка кириши халқаро савдо қоидаларини ишлаб чиқиш жараёнида тўлақонли иштирокини таъминлайди ва бу орқали ташқи савдо муносабатларида бошқа давлатлар томонидан қўлланиладиган дискриминацион чекловларни бартараф этишга имконият яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши мамлакатимиз учун бир қатор қулайлик ва афзалликларни тақдим этади. Жумладан, аввало, ташкилотга аъзо мамлакатлар бозорларига кириш учун тенг ҳуқуқли имконият пайдо бўлади. Юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали экспорт салоҳиятини оширишга қулай шароит яратилади. Ташқи савдода халқаро стандартлар қоидаларига мувофиқ, миллий стандартларни ишлаб чиқиш экспортёрларга чет эл бозори талабларига мослашишда ёрдам беради.

Бундан ташқари, рақобат муҳити яхшиланади ва монополиянинг олди олинишига эришилади. Рақобатлашув жараёнининг кучайиши натижасида иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар ва инвестицияларни жалб этиш фаоллашади.

Шунингдек, жаҳон миқёсидаги савдо сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи берилади, асосийси, экспортёрларимизнинг ташқи савдодаги ҳуқуқи ҳимоя қилинади.

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунингдек, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувни кучайтиришга қаратилган сиёсати, аввало, экспорт салоҳиятимизни ошириш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга йўналтирилган. Шу боисдан Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиши унга аъзо мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожида алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам Ўзбекистон ташкилотга аъзолик борасида жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қайд этилганидек, “Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз”.



БУГУННИНГ ГАПИ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА



# ГИБРИД иссиқлик таъминот ТИЗИМИ

## самарали, тежамкор, барқарор

**Ғулом УЗОҚОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор,**
**Орифжон БОЗОРОВ,**
**физика-математика фанлари номзоди, доцент**

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йили 10 июнда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда "яшил" энергетика сиёсатини амалга ошириш, яъни қайта тикланадиган энергия манбаларидан, жумладан, қуёш, шамол ва сув энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш, аҳоли ўртасида қайта тикланадиган энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди. Айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияти юқорилиги, ундан самарали фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, қуёш энергияси биологик ва экологик хавфсиз, қайта тикланадиган энергия бўлиб, уни фанда маълум бўлган усуллар асосида иссиқлик ва электр энергиясига осон айлантириш ҳамда инсон фаолиятида турли мақсадларда самарали фойдаланиш мумкин. Хўш, бу борада Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

> **ИНСТИТУТДА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА 2022 ЙИЛДА УМУМИЙ ҚУВВАТИ 35 КВТ БЎЛГАН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ, 200 ЛИТР СИҒИМЛИ ҚУЁШ СУВ ИСИТКИЧЛАРИ ЎРНАТИЛДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА ОЛИЙГОҲНИНГ БАРЧА БИНОСИДА УМУМИЙ ҚУВВАТИ 372 КВТ БЎЛГАН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ЭҲТИЁЖ ТЎЛИҚ, ЯЪНИ 100 ФОИЗ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ҲИСОБИДАН ҚОПЛАНАДИ. БУ, ЎЗ НАВБАТИДА, ҲАР ЙИЛИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН САРФЛАНАДИГАН 650-700 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.**

### Анъана ва муваффақият

Институтда энергия ресурсларини тежаш мақсадида 2022 йилда умумий қуввати 35 кВт бўлган қуёш панеллари, 200 литр сиғимли қуёш сув иситкичлари ўрнатилди. Жорий йилда олийгоҳнинг барча биносида умумий қуввати 372 кВт бўлган қуёш панеллари қўйилади. Бунинг натижасида электр энергиясига эҳтиёж тўлиқ, яъни 100 фоиз қуёш энергияси ҳисобидан қопланади. Бу, ўз навбатида, ҳар йили электр энергияси учун сарфланадиган 650-700 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

Муқобил энергия манбалари кафедрасида энергетика тизими учун мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, институтда Энергия тежамкорлик ва қайта тикланадиган энергия манбалари илмий тадқиқот маркази, Муқобил энергия манбалари ўқув-илмий, инновация полигони ташкил этилган. Марказда тажрибали олимлар билан бирга ёш тадқиқотчилар, докторантлар ва мустақил изланувчилар илмий изланишлар олиб бормоқда.

Марказ аъзолари мамлакат миқёсида ўтказилаётган "Мирзо Улуғбек ворислари", "Бўлажак олим" каби турли танловларда фаол иштирок этмоқда. Уларда муваффақият қозониш анъанага айланган. "Бўлажак олим" танлови мисолида айтсак, ёш тадқиқотчиларимиздан Ситора Сафарованинг "Мактабгача таълим муассасалари учун қуёш сув иситиш қурилмалари" лойиҳаси танлов ғолиби бўлди. Қурилманинг намуна варианти тайёрланган.

Бобур Тошмаматовнинг "Қаттиқ маиший чиқиндилардан муқобил ёқилғи олиш қурилмаси" мавзуси доирасида 2 та илмий ихтиросига патент олинди. Ўтган йили Олмос Қўзиевнинг "Фермер ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун муқобил энергия асосидаги комбинациялашган ақлли тухум инкубатори қурилмаси" лойиҳаси 116 миллион сўмга молиялаштирилди.

Муқобил энергия манбалари кафедраси таянч докторанти Ғулом Рўзиқулов "Комбинациялашган қуёш ва иссиқлик насосли қурилмалар асосидаги энергия тежамкор совитиш-қуритиш камераси" номли ишланма яратди. Ушбу қурилмага Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди. Ҳозиргача қурилманинг уч хил варианти тайёрланди ва синовдан ўтказилди.



### Халқаро ҳамкорлик самараси

Бу йил Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди. Табиийки, барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам муштарак мақсадларни биргаликда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Беларусь миллий техника университети ўртасида имзоланган меморандум асосида "2+2" қўшма таълим дастури бўйича 119 нафар талабамиз ҳозир ушбу олийгоҳда таҳсил олмоқда. Улардан 46 нафари бу йил катта ҳаётга йўлланма олади. Энг муҳими, икки давлат олий таълим муассасаси дипломига эга бўлади.

Ўтган йили Ўзбекистон ва Беларусь ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида биргаликда халқаро илмий фундаментал лойиҳалар танлови эълон қилинди. Унга институтимиздан 3 та лойиҳа топширилди ва улардан бири — "Ҳудуд иқлимининг метеорологик параметрларини ҳисобга олган ҳолда гибрид иссиқлик таъминоти тизимларининг илмий-техник асосларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги фундаментал лойиҳа танлов ғолиби бўлди.

Бу лойиҳа нима беради? Унинг афзаллиги нимада? Аввало, Ўзбекистон — Беларусь илмий ҳамкорлиги доирасида илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилади. Биргаликдаги қўшма илмий лойиҳа институт тарихида биринчи марта амалга оширилмоқда. Уни ҳаётга татбиқ этиш натижасида Беларусь миллий техника университети билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида қуёш радиацияси, шамолнинг тезлиги, ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгариш динамикаси, чанглик даражаси, хуллас, метеопараметрларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, гибрид иссиқлик таъминоти тизимлари бўйича илмий изланишлар олиб борилади, илмий-техник асослари яратилади.

Ҳар икки томоннинг ўз мажбурияти ва вазифалари бор, албатта. Беларусь томонидан марказлашган иссиқлик таъминоти тизимлари учун муаммо ва ечимлар бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Институтнинг вазифаси эса локал автоном иссиқлик таъминоти тизимлари учун гибрид иссиқлик таъминоти тизимларини яратиш ва янги схемаларини таклиф этишдан иборат. Лойиҳанинг умумий қиймати 835 миллион сўм. 450 миллион сўмдан ортиқ маблағ лаборатория жиҳозлари учун ажратилган. Демак, шунча маблағ эвазига муқобил энергия манбалари кафедрасида янги лаборатория ташкил қилинади.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида битта фан доктори (DSc) ва 2 та фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ишлари ҳимояга қўйилади. Бажарилган фундаментал илмий тадқиқот ишлари натижасида биттадан дарслик ва ўқув қўлланмаси яратилади. Муқобил энергия манбалари таълим йўналиши учун ўқув жараёнига жорий қилинади.

Лойиҳа тадқиқотлари икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси, экспериментал тажриба қисми. Бунда бевосита лойиҳа доирасида илмий иш қилаётган 3 тадқиқотчи тажриба-тадқиқот ишларини олиб боради. Иккинчиси, назарий қисм, яъни математик моделлар бўлиб, уларнинг ечими, дастурий маҳсулотлар яратилади. Қисқача айтганда, гибрид иссиқлик таъминот тизимларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳанинг Ўзбекистон — Беларусь халқаро илмий лойиҳалар танловида давлат гранти совриндори бўлиши институт профессор-ўқитувчиларининг кўп йиллик илмий тадқиқот ишлари, изланишлари натижасидир. Ушбу лойиҳа доирасида 2022-2024 йилларда муқобил энергия манбалари кафедраси ёш олимлари, докторантлари ва талабалари илмий тадқиқот ишларини янада самарали ташкил этади.

### Янгиликнинг афзаллиги нимада?

Одатда битта иссиқлик манбаига эга тизимлар анъанавий ҳисобланади. Гибрид иссиқлик таъминот тизими деганда, анъанавий қозон қурилмаси, яъни газ, кўмир, ўтинда ишлайдиган қозон қурилмасидан ташқари шу тизимга интеграция қилинган, уланган қуёш коллекторли, иссиқлик насосига эга тизим назарда тутилади. Масалан, бу тизимда бир вақтнинг ўзида ҳам совитиш, ҳам анъанавий иситиш тизими ишлаши мумкин. Бир сўз билан айтганда, анъанавий иситиш қозони ва ноанъанавий тизимнинг комбинацияси қайта тикланадиган энергия қурилмалари асосидаги гибрид иссиқлик таъминот тизимларини ташкил этади.

Гибрид таъминот тизимлари юртимизда у қадар ривожланмаган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бизда қурилаётган намунавий уй-жойларда иссиқлик таъминоти тизими алоҳида ишлайди, қуёш қурилмалари билан интеграция қилинмаган. Шунинг учун энергия тежамкорлиги анча паст. Агар анъанавий ва ноанъанавий қайта тикланадиган энергия билан анъанавий органик ёқилғида ишлайдиган иссиқлик таъминоти тизимларининг оптимал интеграцияси йўлга қўйилса, келажакда намунавий уй-жойлардаги автоном иссиқлик таъминотида ҳам энергия тежамкор гибрид иссиқлик тизимлари пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, анъанавий ёқилғини камида 50-60 фоиз тежаш имконини беради.

Мазкур лойиҳада, биринчидан, анъанавий қозонли, қуёшли ва иссиқлик насосли тизимларнинг рационал технологик схемаси яратилади. Иккинчидан, иқлим параметри ўзгаришига қараб, анъанавий ва ноанъанавий тизимларнинг улуши қанча бўлиши математик моделлаштириш орқали ҳисоблаб чиқилади, яъни тадқиқотлар қилинади. Учинчидан, Қашқадарё вилояти ҳудудида, тадқиқотларимизга кўра, анъанавий тизимларга нисбатан кундузги режимда иссиқ сув таъминотини қуёш энергияси орқали 80-100 фоизгача таъминлаш мумкин. Иситиш тизимида, иқлим параметрларининг ўзгаришига қараб, 40-50 фоизгача анъанавий органик, табиий ёқилғи, яъни газ, кўмирни тежаш имкони яратилади. Масалан, 1 метр квадрат юзага нисбатан намунавий уйларда бир йилда 300-400 киловатт-соат анъанавий энергия сарф қилинади. Лойиҳа доирасида олинган тадқиқот натижалари ана шу сарф-харажатларни икки баробаргача қисқартириш имконини беради.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳозир биноларни узлуксиз ёқилғи, энергия билан таъминлаш имконияти ҳам мавжуд эмас. Унинг гибрид ва анъанавий тизимларга уланиши барқарор ишлаш режимини яратади. Масалан, кундузи қуёш қурилмалари ишлайди, туман, булутли ва кечки режимда анъанавий тизимга ўтилади. Уларнинг оптимал тизимини яратиш учун моделлаштириш, назарий тадқиқотлар талаб қилинади.

Намунавий уй-жойларда иссиқлик таъминоти тизими муаммоси одатда электр ва анъанавий тизимлар орқали ечилган. Автоном кондиционер иситади, совитади, электр энергияси истеъмол қилади. Иккинчидан, иситиш тизимида анъанавий қозон газ, кўмир ёки ўтин билан ишлайди. Буларнинг барчаси органик ёқилғи. Электр энергияси олишда ёқилғи талаб қилинади. Узлуксиз энергия билан таъминлаш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун унинг гибрид, ноанъанавий тизимларга уланиши барқарор ишлаш режимини яратади. Масалан, қуёш бор вақти, яъни кундуз куни қуёш қурилмалари ишлайди, туманли ёки булутли, кечки режимда анъанавий тизимга ўтилади.

Электр энергиясини аккумуляция қилиш осон, лекин иссиқлик энергиясининг аккумуляцияси бир оз қийин. Сабаби, иссиқлик пайдо бўлиши билан атроф-муҳитга тарқалиб, йўқола бошлайди. Уни йиғиб олиш, иссиқликни сақлайдиган моддаларда тўплаш муҳим. Бундай моддаларнинг иссиқлик сиғими юқори бўлиши лозим. Масалан, сувнинг иссиқлик сиғими ҳавоникига нисбатан 4 баробар юқори, яъни 1 килограмм сув 4 кЖ иссиқлик тўплайди ва шу иссиқликни бера олади. Лекин сув ҳар доим ҳам аккумулятор сифатида яхши ишламайди. Минусли ҳароратда музлаб қолади.

Иссиқликни яхши сақлайдиган бошқа моддалар ҳам бор. Масалан, тошнинг турли шаклларида ҳам иссиқликни аккумуляция қилиш масаласи кўпроқ ўрганилган. Энди иссиқликни кўпроқ ютадиган ва ҳаво совиши жараёнида иссиқлик бера оладиган янги материаллар устида тадқиқот ўтказиш керак. Кейинги йилларда парафин, глаубер тузи ва бошқа маҳаллий моддаларда иссиқлик сақланиши тадқиқ этилмоқда. Айниқса, тажрибаларимиз кўрсатадики, иссиқ полли ва аккумуляторли иситиш тизимларини қўллаш ҳам истиқболли йўналишдир.

### Замонавий дарслик, янгича фикр ва интеграция

Бугун олий таълим муассасалари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб бориши зарур. Бу, ўз навбатида, кўплаб ўқув қўлланмалар ва дарсликларни ана шу заводлардаги технологиялар, лабораториялар асосида шакллантиришни тақозо қилади. Давр шиддат билан ўзгаряпти. Юртимиз саноати кун сайин ривожланяпти, хориждан янгидан-янги технологиялар кириб келяпти. Кадрларимиз уларни бемалол бошқара олиши учун ҳам ўқитиш методларимизни фақат назарий эмас, кўпроқ амалий жиҳатдан кучайтиришимиз лозим.

Малакали кадр тайёрлаш учун, аввало, моддий-техник база, лабораториялар, ўқув хоналари, компьютерлар замон талабига жавоб бериши керак. Иккинчидан, илмий салоҳиятга эга, ўз фанини мукаммал биладиган профессор-ўқитувчилар жамоаси шаклланган бўлиши шарт. Учинчидан, ахборот-ресурс маркази, яъни замонавий, бугун саноатда ишлатилаётган қурилмаларда ишлаш кўникмасини оширишни ўргатадиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилиши лозим.

Буларнинг барчаси илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни тобора кучайтиришни, хориждаги нуфузли университетлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни, яратилаётган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларни замонавий техникага мослаштиришни тақозо этади. Шиддатли давр билан ҳамқадам бўлишимиз учун бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўра самарали меҳнат қилишимиз, изланишимиз, теран фикр юритишимиз лозим.



**Дунё тараққий этиб борган сайин кундалик турмуш учун зарур эҳтиёжлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Хусусан, тириклигимиз учун дастлаб уч неъмат — ҳаво, сув ва емак зарур деб ҳисобланган бўлса, яқин ўтмишга келиб бу рўйхат ёғ, ун, шакар, совун каби 10 га яқин маҳсулот билан бойиди. Бугун эса техника тараққиёти туфайли уларнинг сони каррасига ошиб кетди. Биргина доим ёнимизда олиб юрадиган смартфонимиз мисолида оладиган бўлсак, уни қувватлантиришдан тортиб абонентлик учун алоҳида, интернет трафик учун алоҳида пул сарфлаймиз. Шу тариқа харажатларимиз ва шунга мос тарзда эҳтиёжларимиз сони ортиб бораверади.**

# ШАМОЛЛАР ЖИЛОВИН ТУТГАНДА...

Кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бу эҳтиёжлар, ўз навбатида, ишлаб чиқариш саноати, жумладан, электр энергиясига талабни кескин оширмоқда. Масалан, юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари натижасида сўнгги беш йилда хонадонлар сони 1,2 миллионтага кўпайган, корхоналар сони эса 260 мингтага етган. Шунга пареллел равишда электр энергиясига талаб ҳам 35 фоиз ошган.

Бундай шароитда энг тўғри ечим муқобил энергиядан фойдаланиш кўламини ошириш ҳисобланади. Чунки аввало, юртимиз қайта тикланувчи энергетика манбаларидан фойдаланиш учун географик ва иқлим жиҳатидан жуда қулай ҳудуд. Қолаверса, ҳар қандай захира, у хоҳ газ ёки кўмир бўлсин, қанча кўп сарфлангани сари шунча камайиб боради ва тугаш муддати яқинлашиб келаверади.

Шу боис, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "яшил" иқтисодиёт технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиб, энергия самарадорлигини 20 фоиз ошириш белгиланган. Бунда 2026 йилга келиб, электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард киловатт-соатга ошириб, жами 104 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда ушбу вазифалар доирасида ҳудудларда қуёш, шамол ва гидростанциялар қуриш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Навоий вилоятининг Томди туманида барпо этилаётган шамол электр станцияси ана шундай ҳаётбахш лойиҳалардан биридир.

Президентимизнинг 2019 йил мартида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи доирасида "Abu Dhabi Future Energy Company PJSC — Masdar" компанияси билан мамлакатимизда умумий қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишга оид битим имзоланган эди. Ушбу битим асосида 2020 йил 22 декабрда давлатимиз раҳбарининг "Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Айни вақтда мазкур қарор ижроси доирасида Навоий вилоятининг Томди туманида 293 гектар майдонда минтақамиздаги энг йирик шамол электр станцияси қурилмоқда.

Ушбу ҳудуд шамол электр станцияси қуриш учун бежиз танланмаган. Сабаби, бу ерда шамол тезлиги сониясига 20-30 метргача етади. Бу эса тизимнинг барқарор ишлашида муҳим аҳамиятга эга.

Бундай йирик лойиҳа учун БААнинг "Masdar" ва Хитойнинг "Гольдвинд" компаниялари ўртасида 111 та трубина етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Шу асосида айни пайтда ушбу шамол электр станцияси учун Хитойнинг Ланжоу шаҳридан трубина ва генераторлар махсус транспорт воситалари ёрдамида Навоий вилоятига олиб келинмоқда.

— Асосий мақсадимиз, аввало, қурилиш жараёнида ишчилар ва техника хавфсизлигини таъминлаш, — дейди лойиҳанинг техника хавфсизлиги бўйича мутахассиси хитойлик Ванг Янг Ве. — Қолаверса, бу бизнинг Ўзбекистондаги биринчи лойиҳамиз эмас. Кармanadаги қуёш электр станцияси қурилишида ҳам иштирок этганмиз. Айни вақтда Марказий Осиёда ягона бўлиши кутилаётган шамол электр станциясини қуряпмиз. Ҳозир бу ерда трансформаторларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

> **2024 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ТЎЛИҚ ҚУВВАТ БИЛАН ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН МАЗКУР СТАНЦИЯДА ЙИЛИГА 1 МИЛЛИАРД 800 МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ЙИЛИГА 540 МИЛЛИОН КУБ МЕТР ТАБИИЙ ГАЗ ТЕЖАЛИШИГА ЭРИШИЛАДИ ҲАМДА АТМОСФЕРАГА 720 МИНГ ТОННА ЗАРАРЛИ ГАЗЛАР ЧИҚИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ. ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ДАВОМИДА 800 ТАГАЧА ВА ИШГА ТУШГАНДАН СЎНГ 30 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ.**

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 600 миллион долларни ташкил этиб, хорижий инвестиция ҳисобига амалга оширилади. Шамол электр станцияси қурилишининг биринчи босқичи жорий йил охирида якунига етказилиб, тармоққа уланиши режалаштирилган.

2024 йил якунига қадар тўлиқ қувват билан ишга тушириладиган мазкур станцияда йилига 1 миллиард 800 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида йилига 540 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади ҳамда атмосферага 720 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинади. Шамол электр станциясининг қурилиши давомида 800 тагача ва ишга тушгандан сўнг 30 та янги иш ўрни яратилади.

Мазкур лойиҳа юртимизда қайта тикланадиган энергияни жадал ривожлантиришни таъминлаш ва электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтиришда муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, у муқобил энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги ислоҳотларнинг амалий ифодаси ҳамдир.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ



**Алишер САМАДОВ, Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали директори, техника фанлари доктори, профессор**



**Жуда кўп янгидан-янги маълумотлар билан тўлиб-тошган, тезлашган ва кўп қиррали бўлиб бораётган даврда ўзини, ўзлигини йўқотмаслик учун инсон нимага суяниши керак, нимани ўзи учун дастуруламал деб билиши керак? Мен бундай кучни бир сўз билан — "билим", деб атаган бўлардим. Айнан билимнинг инсонга берадиган англаш, тафаккур қилиш имконияти билангина оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиш мумкин. Айнан у мудом ўрганишга, изланишга, янгилик ва кашфиётлар қилишга ундайди. Бутун умри давомида янги билимларни ўрганиб бориш, масаланинг моҳиятини англаш ўта муҳим. Чунки у ҳаётни ўзгача, бой ва қизиқарли яшаб ўтиш имконини беради.**

# БИЛИМ – ТРЕНДДА, ИЛМЛИ – ИЗЗАТДА

Муаммо шундаки, бугунги ёшлар маълумотларнинг қайси бирини қабул қиляпти? Билимни қай усулда бериш талаб этиляпти? Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг янги усуллари жорий этиляптими? Фақат вербал коммуникацияга асосланган таълим бугун ўзини оқламаётгани аниқ. Чунки ҳозир техника асри мўъжизавий қудратини намоён этаётган давр.

Олий таълим қамровининг кенгайиши, ОТМларнинг таркибий тузилмаси ва фаолият мазмуни ўзгариши каби кўрсаткичлар, иқтисодиётнинг ўсиши таълим сифатини ошириш заруратини келтириб чиқаради. Зотан олий таълим янгиланган жамият қурилишида ривожланаётган ва ҳал этувчи кучга эга тизимдир. Айниқса, 2017 йилдан буён ўтган вақтда олий таълимга қизиқиш ва интилиш жиддий ортганини кўриш мумкин. ОТМлар сонининг кескин ортиши, хусусий секторнинг тизимга кириб келиши, чет эл билан ҳамкорликнинг ривожланиши, моддий-техник базанинг яхшиланиши олий таълим нуфузини оширади.

### Муаммо қаърида имконият ётади

Бугун олий таълим тизимини обдон қоралаб, тизимни "ишламаётган"га чиқариш ҳолати кўпайганини кўряпмиз. Бундан нима фойда? Бир бино қад ростлаши ва мустаҳкам туриши учун пойдеворнинг, ҳар бир ғишт ва тўсиннинг аҳамияти қанчалик бўлса, ҳар бир соҳанинг ўз устаси, пешқадамлари ўрнида бўлиши бугун шунчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Олий таълим профессор-ўқитувчилари ўз соҳаси бўйича илмий тадқиқот билан шуғулланади, йўналишига тааллуқли муаммоларга илмий асосланган ечим излайди ва талабаларга муайян фанлардан дарс беради. Йигит-қизларнинг келажакда маълум бир мутахассислик бўйича ихтисослашувига кўмаклашади. ОТМлар ҳозир ҳар иккала вазифани бажаряпти. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда муносиб ўринларни эгаллаётгани, нуфузли илмий нашрлардаги мақолалар сони ва сифати ортиб бораётгани, соҳага оид муаммолар бўйича ишлаётгани ҳамда бунинг натижасида кўплаб ихтиро патентлари, фойдали моделлар учун гувоҳномалар олинаётганини мисол келтириш мумкин

Ҳозир профессор-ўқитувчи қуруқ, енгил-елпи билим билан талабанинг олдига боролмайди. Боиси, чуқур билим, асосланган ахборот, янги илмий маълумотга эга бўлмасангиз, аудиториянинг ўзи сизни сиқиб чиқаради. Истаган одам олий таълимга кира олмаслиги аниқ. Профессор-ўқитувчи билан тузиладиган бир йиллик меҳнат шартномаси педагог зиммасига масъулият юклайди. Яна бир гап: йилдан-йилга билимли, хорижий тилни мукаммал эгаллаган, чет элда таҳсил олган, диссертация ёқлаган ёш кадрлар кўпаймоқда. Бу эса рақобат ва танловни кучайтиряпти. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида ишга қабул қилиш бўйича танлов ҳайъати фаолият юритади ва номзодлар обдон сараланади. Талабалар билан бевосита ишлаш, уларга таълим даргоҳида ва яшаш жойида кўмакчи бўлиш учун тьюторлик фаолиятининг йўлга қўйилгани профессор-ўқитувчиларни ортиқча қоғозбозлик, жадваллар тўлдиришдан, тадбирлардан озод қилди. Анча енгиллик берди. Фақат таълим билан шуғулланишига имконият яратмоқда.

Албатта, ҳақиқий олий таълим тамойиллари устувор бўлиши, ҳеч ким мажбуран олий таълимда ўқимаслиги, ўзлаштира олмаган талаба жойни банд қилмаслиги керак. Имтиёзлар ҳам чегарасида бўлиши зарур. Фикримча, имтиёзлар ўзлаштира олмаётган талабага эмас, иқтидорли талабага қўшимча рағбат сифатида берилиши лозим.

Муаммони кўтариб чиқиш тўғри. Агар кимдир бу масалани кўтариб чиқмас ёки ўз қарашларини билдирмас экан, муаммонинг ечими топилмайди. Лекин масалани тўғри талқин этиш ва унга ечим сифатида таклиф ҳам бериш керак. Ҳар бир киши ўзига тегишли вазифаларни чин дилдан, астойдил, виждонан бажара бошласа, муаммолар камайиб, ечими топилади.



### Мақсад юксак, ҳаракат жиддий

Ҳар бир давр ўз ҳисоботи, эришилган натижалар кўлами билан аҳамиятлидир. Тоғ-кон саноати ривожи кадрлар тайёрлаш тизими олдига катта вазифалар қўймоқда. Дунё бозорида қора ва рангли металларга талаб ортиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига олиб келмоқда. Шунингдек, рақамлаштириш ва автоматлаштириш бугунги кунда металлургия соҳасидаги долзарб вазифа сифатида кўрилмоқда. Бундан келиб чиқиб, тоғ-кон саноати мутахассисларини тайёрлаётган олий таълим муассасалари зиммасидаги масъулият ҳам ортмоқда. Жумладан, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалида ишлаб чиқариш корхоналарининг модернизацияси ҳисобига янги таълим йўналишлари очилмоқда. Жорий ўқув йилида металлургия ва кимёвий технологиялар факультети иш бошлади. Металлургия, фойдали қазилма конларини қазиш (очиқ усулда), кончилик ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш йўналишларида ҳам талабаларга юқори салоҳиятли ўқитувчилар таълим бермоқда. Филиал илмий салоҳиятидан келиб чиқиб, металлургия йўналишида докторантура ташкил этилди. Таълим жараёнида меҳнат қилаётган 159 профессор-ўқитувчидан 61 нафари илмий даражага эга. Илмий салоҳият бугунги кунда 38,4 фоизни ташкил этади. 40 ёшгача илмий даражалиларнинг улуши 18,6 фоиздан иборат. Бугунги кунда кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида жами 5061 талаба таҳсил олмоқда.



Филиал профессор-ўқитувчилари томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида умумий қиймати қарийб 600 миллион сўмлик "Маҳаллий хомашёлар асосида агрессив муҳитда ишлатиладиган керамик кислотага бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш" мавзусида стартап лойиҳа бўйича илмий тадқиқот бажарилди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган кислотабардош ғиштларни "Олмалиқ КМК" АЖ корхоналарига сотиш устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, давлат илмий-техника дастурлари доирасида умумий қиймати 150 миллион сўмлик "Қовун пашшаси (Myiopardalis pardalina Big.)га қарши феромонли тутқичлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш" мавзусида инновацион лойиҳа амалга оширилди. Тошкент давлат техника университетида "Хомашёларни кремнийсизлантириш" ускунаси амалий синовдан ўтказилди ва металлургия корхоналари чиқиндиларидан фойдали компонентлар ҳамда кремний хомашёси олинди.

Филиал профессор-ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқот ва илмий-услубий ишлар натижалари бўйича маҳаллий ва хорижий илмий журналларда 288 та мақола чоп этилди. Учта дарслик, тўққизта ўқув қўлланма, 13 та монография нашр қилинди. Шунингдек, 22 та дастур учун гувоҳнома, 5 та ихтиро ва фойдали модель учун патент олинди. "Олмалиқ КМК" АЖ билан 6 та лойиҳа ҳамда "Ўзиккиламчирангли металл" АЖ, "INTACT" МЧЖ, "Asia Element Star" МЧЖ билан жами лойиҳа миқдори 1 миллиард 380 миллион 550 минг сўмлик 9 та хўжалик шартномаси бажарилмоқда.

Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали "Олмалиқ КМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Texnopark" ОАЖ, "Тошкент ИЭС" АЖ, "Оҳангаронцемент" АЖ, "Тошкент металлургия заводи" ОАЖ ҚК, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Деҳқонобод калий кони" АЖ, "Аммофос-Максам" АЖ каби корхоналар билан инновацион ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ҳамкорликнинг малака ошириш, ўқув амалиёти, докторлик, номзодлик, магистрлик диссертациялари, битирув-малакавий ишлари, курс ишлари илмий тадқиқот ишларида ҳамкорлик, хўжалик шартномаси каби шакллари амалга оширилмоқда.

Пулли хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига филиал таркибида "spin off"ларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. ТДТУ Олмалиқ филиалининг Оҳангарон шаҳрида жойлашган биносидаги ошхона "TDTU OF — food" UK spin off асосида фаолият юритмоқда. Ушбу лойиҳани ташкил қилиш орқали 10 та янги иш ўрни яратилди, 3 нафар талаба ҳам мазкур корхонада иш юритади. Қўшимча равишда ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳам ташкил этиш инобатга олинди.

Олий таълим тизими янгиланиш босқичида. Ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар самараси яққол кўринаётганига ишонамиз, Ўзбекистон олий таълим тизими ҳам дунё рейтингларида тан олиниши яқин. Бу жараёнга ҳар бир олий таълим муассасаси, ҳар бир жамоа ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга қодир.

## ТОМОРҚАЧИЛИК

# Иссиқхонада олма ва ўрик етиштирилади

**Қува туманидаги "Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази"да ташкил этилган "қишки боғ"да олма ва ўрик эрта гуллади.**
**Баҳор остона ҳатлаб, табиат уйғонган ажиб фаслнинг илк кунларида мўъжаз иссиқхонада баравж ривожланаётган интенсив боғлар лойиҳаси эрта ҳосил олиш ҳажми ва экспорт миқдорини ошириш имкониятини беради.**

Иссиқхонада мева етиштирилганда ҳосил одатдагидан 20-25 кун олдин пишиб етилади, турли зарарли ҳашарот, ноқулай об-ҳаво инжиқликларидан ҳимояланади.

Тажрибали боғбонлар фикрича, бир гектар майдондаги оддий боғларга 500 тупгача кўчат тавсия қилинади. Интенсив усулда уларнинг ҳажми уч ҳиссага ошади. Ниҳоллар томчилатиб суғорилади, натижада сифатли ва бозоргир маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатлар миқдори сезиларли камаяди.

"Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази"да ер эгаларини сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш, наслчиликни яхшилаш, интенсив боғлар яратиш, замонавий иссиқхоналар қуриш, томчилатиб суғориш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, чорва, парранда, балиқ боқиш учун ҳовузлар ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боріляпти, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда.

### Экспорт миқдори ошди

Қува тумани томорқа ер эгалари томонидан етиштирилаётган атиргуллар экспорти кейинги йилларда сезиларли ортди, турлари кўпайди. Шу мақсадда марказ қошида гулчилик йўналишида кооперация йўлга қўйилган. Кооперация аъзолари атиргул оналик кўчатлари ва ғунчаларини етиштириб беради. Маҳсулот шу ернинг ўзида сотиб олинади. Агротуризм хизматини ташкил этиш, атиргул япроқларидан мураббо тайёрлаш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 500 минг доллардан ортиқ атиргул кўчатлари экспорт қилинди.

— Жорий мавсумда 1 миллион тупдан ортиқ атиргул кўчатларини Европа мамлакатларига экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди "Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази" раҳбари Ҳожиакбар Ҳожиматов. — Бундан ташқари, тумандаги 5 мингга яқин хонадон эгалари ихтиёридаги 223 гектардан ортиқ томорқаларда ҳам атиргул парваришланиши ҳисобга олинса, бир мавсумнинг ўзида 6-7 миллион донадан ортиқ атиргул кўчатларини экспорт қилиш имкониятини беради. Шунингдек, уларнинг турларини кўпайтиришга ҳам эътибор қаратяпмиз. Бугунга келиб улар сони 300 дан ошди. Айни кунда хориждан олиб келган 20 хилдан ортиқ атиргул кўчатларини маҳаллийлаштириш борасида иш олиб боряпмиз.

Яна бир муҳим жиҳати, авваллари тайёр маҳсулотлар "иккинчи қўл" орқали хориж бозорларига кириб борган. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, божхона хизматларини соддалаштириш, ортиқча қоғозбозликларга чек қўйиш борасида яратиб берилган имтиёзлар бу борада янги имконият эшикларини очди. Эндиликда барча юк ҳужжатлари шу ернинг ўзида расмийлаштирилиб, ички ва ташқи бозорга жўнатиляпти.





*Шерзод Қорабоев олган суратлар.*

— Гул етиштириб кам бўлаётганимиз йўқ, — дейди гулчи боғбон Рўзибой Ҳожиматов. — Ўтган йили 100 миллион сўмга яқин даромад олдик. Шинам уй-жой, фаровон ҳаёт мана шу меҳнат ва изланишларимиз маҳсули. Айни кунда атиргулчилик йўналишлари ривожланган Европа мамлакатларидан келтирилиб, маҳаллийлаштирилган "Блаш", "Торнадо" "Мерседес", "Румбо", "Чёрная магия" сингари янги гул навларига талаб юқори.

### Пайвандлашнинг янги усули

Лаборатория усулида кўчат етиштириш иқтисодий самарадорликни таъминлаш билан бирга, кўчатлар навининг аниқ ва ишончли бўлишида катта аҳамиятга эга. Ниҳоллар анъанавий усулга қараганда бирмунча эрта ҳосилга киради ва кутилган нав ҳамда ҳосил олишда ишончли ҳисобланади. Янги лойиҳа 15 дан ортиқ ёшларни иш билан таъминлади.

— Лаборатория шароитида бир дона сархил куртакдан бир нечтагача сифатли кўчат етиштириш имконияти бор, — дейди бош агроном Аҳмаджон Мусаев. — Авваллари бу ишларни бажариш учун ортиқча ер майдони, кўп вақт ва маблағ талаб қилинган. Дастлаб махсус майдонларга данак экилган, униб чиққан ниҳоллар иккинчи йилда пайвандланган. Янги усулда кўчат етиштириш соҳадаги ортиқча харажат ва оворагарчиликларни кескин камайтирди. Бир дона куртакдан 200 тупгача кўчат олиш мумкин.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий мавсумнинг ўзида 1,5 миллион тупдан ортиқ инвитро усулида сархил мева кўчатлар етиштирилади. Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуднинг ер ва иқлим, сув шароитига мос бўлган кўчат турлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

### Об-ҳаво башорат қилинади

Боғдорчилик ва деҳқончиликда экин майдонлари хусусиятидан келиб чиқиб ниҳол ўтқазиш, экинларга ишлов бериш, зараркунандаларга қарши кураш, об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни олдиндан билиш муҳим.

Илмий марказ ташаббуси билан ишга туширилган "Агрометеорологик" станцияси бу борадаги ишларга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Бу қурилма ҳаво ҳарорати ва намлиги, ёғингарчилик миқдори, қуёш радиацияси, шамол тезлиги ва йўналиши, тупроқ ҳамда атмосфера намлигини аниқлаб, йиғилган маълумотларни интернет орқали компьютер марказига юборади. Қабул қилиб олинган маълумотлар махсус дастурда қайта ишланиб, ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари кўпайиши эҳтимоли бўйича башоратни ўрганади ва уларга қарши кураш, профилактика чора-тадбирлари бўйича керакли тавсияларни телефон, СМС ёки телефон иловалари орқали мижозларга етказиб беради.

Дунё деҳқончилик тажрибасида кенг қўлланиб келинаётган бу лойиҳа томорқа ер эгалари, фермер хўжаликлари билан масофадан туриб ҳамкорлик қилиш, ҳосилдорлик ва ишлаб чиқариш қувватларини оширишда яхши самара бермоқда.

### Назарий билим амалиётда мустаҳкамланади

Марказда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари малакасини ошириш, янги тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилган. Ўтган йилнинг ўзида 3 минг нафардан ортиқ фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари 24 соатлик ўқув машғулотларида малака ва маҳоратини оширди.

— Бу ерда 100 ўринли ўқув биноси, 60 ўринга эга ётоқхона ва ошхона фаолияти йўлга қўйилган, — дейди ўқув маркази раҳбари Абдурасул Абдураҳмонов. — Назарий билимларни бевосита амалиёт билан мустаҳкамловчи янги техника ва механизмлар харид қилинди, паррандачилик, чорвачилик комплекси, балиқчилик ҳавзаси ишга тушди. Айни кунда мевани қайта ишлаш, тикувчилик йўналишида янги тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб боріляпти. Бу ўқув курслари давомида олган назарий билимларини амалиёт жараёнида синаб кўриш имкониятини беради.

Сирасини айтганда, фаровон ҳаёт йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами кундан-кунга ривожланиб, истиқболли лойиҳа ва ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани билан эътиборни тортади.

**Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**



МАДАНИЙ МЕРОС

**МИРЗО УЛУҒБЕК НАФАҚАТ ОСМОН БИЛАН БОҒЛИҚ БИЛИМЛАР, БАЛКИ ЕР ЮЗИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАГИ ЕТТИ ИҚЛИМ ОРАСИДАГИ ҲУДУДЛАР, ТОҒЛАР, САҲРОЛАР, СУВ ҲАВЗАЛАРИ ВА САВДО ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА ҲАМ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРГАН, УЛАРНИНГ ТАРИХИНИ ЁЗГАН (ОЛИМНИНГ "ТАРИХИ АРБАЪ УЛУС" НОМЛИ КИТОБИДА XIII-XV АСРЛАРДА МУСУЛМОН ГЕОГРАФИЯ ФАНИДА "ЕТТИ ИҚЛИМ" ДЕБ АТАЛУВЧИ ЕВРООСИЁ ВОДИЙ ВА ЧЎЛЛАРИДА ЮЗ БЕРГАН СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДА ҲАМ КЕНГ МАЪЛУМОТ БЕРИЛГАН).**




# УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ
# ДЕВОРИДАГИ ЕТТИ ИҚЛИМ СУРАТИ
## ёхуд Иккинчи Уйғониш даврининг буюк сиймоси

**Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,**
**"Ипак Йўли" Туризм ва маданий мерос халқаро университети биринчи проректори, профессор**

**Буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек биз бугун Иккинчи Уйғониш даври деб атайдиган, Марказий Осиё ва ислом цивилизацияси тарихида катта ўрин тутувчи тарихий даврнинг энг кўзга кўринган арбобларидан биридир. Маълумки, Амир Темур ва темурийларнинг илм-фан ривожига алоҳида эътибор беришлари натижасида Марказий Осиёда Иккинчи Уйғониш даври XIV–XV асрларда юз берди. Бу даврда Мирзо Улуғбек, Мансур Коший, Мирам Чалабий, Абдуали Биржандий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид каби олимлар, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Қосимий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби шоирлар, Камолиддин Беҳзод каби мусаввирлар етишиб чиқди. Улуғбекнинг қутлуғ номи ушбу рўйхатнинг бошида туради.**

Испан элчиси Луи Гонзалес Клавихо 1404 йилда ўзи ва ҳамроҳларини Амир Темур қабул қилганида, ўн ёшлардаги бола подшоҳ ҳузурида мактубларни ўқиш ва таржимонлик каби ишларни қилаётганини кўрганини айтади. Бу Мирзо Улуғбек бўлиб, у болалигидан буюк бобосининг ёнида бўлгани ва махсус оталиқ (отабек)лардан таълим ва тарбия олгани учун дунёқараши кенг, билимли ва зукко шахс сифатида шаклланди. Унинг математика, геометрия, астрономия, география каби табиий фанлар қатори тарих, фалсафа, мантиқ, илоҳиёт, адабиёт каби ижтимоий фанлардан чуқур билимга эга бўлгани маълум.

Улуғбекнинг устозларидан бири мунажжим Мавлоно Аҳмад бўлганини айтиш мумкин, чунки бу киши Темурнинг саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб, сайёраларнинг келажак икки юз йиллик тақвими жадвалларини туза олган. Улуғбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлмиш "Зиж"да фақат Қозизода Румийни "устозим" деб атайди. Усмонийлар давлатининг бошкенти Бурсада туғилиб вояга етган Қозизода Румий шогирдидан 20-25 ёш катта бўлиб, Улуғбек илм йўлига тушган кезларда у тўла шаклланган риёзиётчи ва астроном олим эди. Натижада Улуғбек илмий ва сиёсий ҳаётининг илк давриданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида улғаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ фанлар муҳим аҳамият касб этади. Улуғбек йигирма ёшларидаёқ, ўз даврининг йирик олимларидан бирига айланади. Унинг қўлида ҳар доим олимларга насиб қилавермайдиган имконият — ҳокимият, ўрта асрларда ислом оламидаги энг кучли ва маданиятли давлатнинг ҳукмдорлиги мавжуд эди ва олим ушбу ресурсни тўлалигича илм-фан ривожига сарфлади. У Исломий цивилизациянинг миссияларидан бири илм-фанни ривожлантириш деб тушунар ва 1417 йил қурдирган Бухородаги мадраса пештоқига **"Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир"** деган ҳадиси шарифни ёздирган эди. Унинг подшолик йиллари илм-фан тараққиёти темурийлар ва бутун ислом цивилизациясидаги Иккинчи Уйғониш даврининг олтин палласини бошлаб берди. Мирзо Улуғбек даврининг улкан илмий ютуқлари бутун исломий Ўрта аср маданияти тарихида катта аҳамият касб этди. Унинг шогирдлари ва китоблари мусулмон дунёсининг янги маркази Истанбулгача етиб бориб, у ерларда масалан, Улуғбек мадрасасининг ўқитиш тизимига асосланган Аё София мадрасасининг шаклланишига, Усмонли салтанатида таълим ва фаннинг тараққиётига узоқ асрлар давомида хизмат қилди.

Буюк даҳо истеъдодининг бир қирраси — математика (риёзиёт)ни астрономия муаммоларига татбиқ қилиш маҳоратини кўрсатган тарихий ҳужжат бу.

Улуғбекнинг жамият тараққиётига, аввало, олим кўзи билан қарагани ва мамлакат равнақи ҳамда тараққиётини илм-фан ривожи билан боғлагани унинг янги усулдаги билим юрти — мактаб ва мадрасалар қуришга қарор қилиб, деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этишида кўринади.

1424-1428 йиллар мобайнида Самарқанд шимолида, Обираҳмат ариғи бўйидаги Кўҳак тепалиги бағрида Улуғбекнинг жаҳонга машҳур расадхонаси қурилади. Бунгача фалакиётни кузатув илмий ишлари Улуғбек мадрасасида олиб борилган. Мадрасадаги назарий тадқиқотлар, расадхонада ўтказилган илмий изланишлар натижаси бўлмиш "Зижи жадиди Кўрагоний" юлдузлар жадвали у яратилганидан кейин 250-300 йил давомида тенгсиз илмий манба бўлиб қолгани, дунёда рўй берган буюк жўғрофий кашфиётлар учун йўлга чиққан Шарқда ва Ғарбда кемалар учун ягона дастуруламал бўлгани бу буюк олимнинг юлдузлар жадвали билан инсониятга Ер юзида йўл кўрсатганининг намунасидир.

Мирзо Улуғбек, бобоси Амир Темур каби ўрта асрлар геополитикасининг асосий объекти — Буюк ипак йўлини назорат қилишга жиддий эътибор берар эди. У бир неча марта Хитойга элчи юборгани (бу элчи ҳайъатларининг биттасига Али Қушчи раҳбарлик қилгани маълум), мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаб, Буюк Ипак йўлида хавфсизликни, савдо-сотиқнинг гуллаб-яшнашини таъминлаган. Унинг ҳарбий юришларининг аксарияти Хитой йўлидаги бузғунчи мўғул ҳукмдорларнинг бошбошдоқлигига чек қўйиш билан боғлиқ экани бежиз эмас. Унинг "Зижи жадиди Кўрагоний" юлдузлар жадвали Осиёнинг бепоён чўлларида туну кун йўл босган карвонлар учун ҳам йўл кўрсаткич вазифасини бажарган. Айтиш мумкинки, буюк олимни астрономия билан бирга геодезия, география ҳамда хариташунослик ҳам қизиқтирган.

1465-1469 йилларда Самарқандда яшаган Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида бу хусусда ёзади. Бу эса Улуғбек яратган илмий муҳит ва анъанада, албатта, ҳандаса ва география таълимига эга бўлиш жой олганини кўрсатади. "Фарҳод ва Ширин" асарида у расадхона ва Улуғбек "Зиж"и ҳақида етарлича маълумотга эга эканини билса бўлади. Буюк шоир Мирзо Улуғбек ва унинг илмий меросига жуда юқори баҳо беради:

*Темурхон наслидин султон Улуғбек,*
*Ки, олам кўрмади султон анингдек.*
*Анинг абнойи жинси бўлди барбод,*
*Ки давр аҳли биридин айламас ёд.*
*Ва лек ул илм сори топти чун даст,*
*Кўзи оллинда бўлди осмон паст.*
*Расадким боғламиш-зеби жаҳондур,*
*Жаҳон ичра яна бир осмондур.*
*Билиб бу навъ илми осмоний,*
*Ки андин ёзди "Зижи Кўрагоний".*

Мирзо Улуғбек нафақат осмон билан боғлиқ билимлар, балки Ер юзининг тузилиши ва ундаги етти иқлим орасидаги ҳудудлар, тоғлар, саҳролар, сув ҳавзалари ва савдо йўллари ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб борган, уларнинг тарихини ёзган (олимнинг "Тарихи арбаъ улус" номли китобида XIII-XV асрларда мусулмон география фанида "Етти иқлим" деб аталувчи Евроосиё водий ва чўлларида юз берган сиёсий-ижтимоий жараёнлар ҳақида ҳам кенг маълумот берилган).

Шу сабабли, ҳозирча жуда озчиликка маълум бўлган ҳолат — Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси деворларига "Етти иқлим харитаси" чизилгани факти алоҳида аҳамият касб этади.

"Овози Самарқанд" газетасининг 1992 йил, 18 апрелдаги сонида устоз, академик Ботирхон Валихўжаевнинг **"Мирзо Улуғбек мадрасасидаги етти иқлим сурати"** ("Сурати ҳафт иқлим дар мадрасаи Мирзо Улуғбек") мақоласи эълон қилинган эди. Аммо ўша талотўпли замонда бу катта илмий аҳамиятга эга бўлган мақолага мутахассислар етарлича диққат қаратмади, илмий мунозара ва таклифлар уюштирилмади, натижада у жамоатчилик эътиборидан тушиб қолди. Камина Самарқанддаги мадрасалар тарихига бағишланган илмий конференцияга тайёргарлик давомида ушбу мақолани эсладим. 30 йил олдин бу мақола босилган газетани кутубхонадан топиб, уни яна бир бор ўқиб чиқдим. Мақола газетабоп, айни пайтда раҳматли устознинг илмий ҳақиқатни манбаларга кўра, баён қилиш усули билан ёзилган. Ушбу мақоланинг таржимасини жузъий қисқартиришлар билан келтиришни лозим топдик.

## МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАСИДАГИ ЕТТИ ИҚЛИМ СУРАТИ

*Турли соҳа олимлари Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти ва меъморий обидалари тикланиши ҳақида қимматли мулоҳазаларини билдириб, бу олиймақом шахснинг буюк хизматларини ҳар тарафлама таъкидлаганлар. Шунинг учун ҳам Мирзо Улуғбек астрономик мактабининг нодир маҳсули — "Зижи жадиди Кўрагоний" асари бутун дунёда катта шуҳрат қозонган ва жаҳон олимларининг ҳурматига сазовор бўлган. Бу бебаҳо асар Мирзо Улуғбек асос солган расадхонада синчковлик билан олиб борилган кузатишлар асосида майдонга чиққан эди.*

*Замондош олимларимиздан Қори Ниёзийнинг аниқ манбаларга таянган ҳолда хабар беришича, "Зижи жадиди Кўрагоний" асари муқаддимасида нужум илмининг илмий кузатиш натижаларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари ҳам баён этилган, хусусан, "Ақолими сабъа" — Ернинг етти иқлимини аниқлашда кенг фойдаланилган. Бу шундан дарак берадики, нужум илмининг кузатишлари Ердаги баъзи муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилган ва турли иқлим шароитида шаҳарларнинг жойлашишини аниқлашга ёрдам берган. Бунинг натижасида расадхона олимлари етти иқлим ва улардаги шаҳарларнинг жойлашишини аниқлаганлар. Ушбу давр тарихчилари, жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек расадхонаси деворида турли иқлимларнинг денгизлар, тоғлар, шаҳарлар билан акс эттирилган сурати чизилган бўлган. Аммо Мирзо Улуғбек мадрасаси деворида шаҳарлар акс этган етти иқлим харитаси — расми ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик.*

*Шу нуқтаи назардан ҳам XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаб ўтган таниқли олим ва шоир Мавлоно Муҳаммад Мутрибий Самарқандийнинг ушбу маълумотлари жуда қизиқ туюлади. Мавлоно Мутрибий маълумотларини ўқиб, жуда таъсирландим. Чунки бу маълумотни мен Мирзо Улуғбек мадрасасига бағишланган бирорта асарда учратмаган эдим. Бу мадраса ҳақида кўп ёзган машҳур олим Г.А.Пугаченкованинг асарларини варақладим, лекин бу масалада ҳеч нарса кўзга ташланмади. Бундан ташқари, Қори Ниёзий, Н.И.Леонов, Б.Аҳмедов ва бошқаларнинг машҳур олим, яъни Мирзо Улуғбек фаолиятига, унинг расадхонаси ва мадрасаларига бағишланган асарларини ўқидим, лекин ушбу масалага бирорта ишорани ҳам кўрмадим. Бу ҳолат Мавлоно Муҳаммад Мутрибий маълумотларининг тўғрилигини аниқлашга қизиқишимни янада оширди. Мавлоно Мутрибийнинг маълумотларига шубҳа қилиш мумкин эмас. Чунки Мавлоно Муҳаммад Мутрибий Самарқандда туғилган (1559 йил), шу ерда улғайган, шаҳар тарихи ва обидаларини жуда яхши ўрганган, ўз асарларида ("Хотиралар", "Тазкират уш-шуаро") улар ҳақида аниқ маълумотлар келтирган. Шу боис, унинг Самарқандда 1605 йилда кўчирилган ва кўҳна шаҳарнинг ўша давр уламо ва адиблари томонидан кўриб чиқилган "Тазкират уш-шуаро" асарида келтирилган маълумотлар жуда қимматлидир.*

*Кейинги саҳифада (156) "Сувари ақолим" деб ёзилган ва у кўрсатилган. Расмда ярим доира чизилган ва у етти иқлимга бўлинган. Унда денгиз ва дарёлар қуруқликдан ажратилиб кўрсатилган. Иқлимлар суратида шаҳарларнинг номлари унчалик кўп эмас. Унда Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳарлари, жумладан, Ҳирот, Домғон, Қандаҳор, Хўжанд, Бухоро, Хоразм, Ҳазорасп, Олмалиқ, Қашқар, Бешбалиқ, Хонбалиқ, шунингдек, Сайҳун дарёси аниқ кўрсатилган.*

*XVI аср охири ва XVII аср бошларида Мирзо Улуғбек мадрасаси деворида етти иқлим тасвирининг мавжудлиги жуда қизиқ. Чунки Мавлоно Муҳаммад Мутрибий бу суратни ўзи кўрган ва ўз тазкирасида унинг аксини чизган. Бироқ у ўз асарида мазкур суратни мадраса биносининг қайси деворида (хона, дарсхона, равоқ, пештоқ) тасвирланганини келтирмаган. Бизнингча, ушбу сурат катта эҳтимол билан мадраса дарсхонаси деворига чизилган бўлган. Чунки тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, расадхона қуриб битказилишидан олдин ва иш бошланганидан сўнг нужумшуносликнинг турли илмларидан ташқари, жуғрофия, ҳандаса (геометрия), жабр (ҳисоб) ва бошқалар таълим берилган. У ерда соҳа олимлари, жумладан, Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам дарс ўтган. Шундай экан, Мирзо Улуғбек мадрасаси деворида етти иқлим суратининг мавжудлиги мантиқан тўғри келади ва Мавлоно Мутрибийнинг ёзганлари "қатъий далил" сифатида буни исботлайди.*

*Афсуски, бу сурат бизгача етиб келмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Мавлоно Мутрибийнинг келтирган маълумотлари бизда катта таассурот қолдирганди ва бошқа ҳеч қандай маълумот йўқлиги сабабли ўйланиб қолгандик.*

*Иттифоқо, шу йилнинг март ойида, яъни 1992 йилда Тошкент шаҳрига саёҳатимиз чоғида машҳур олима Г.А.Пугаченкова билан учрашиб қолдик. Фурсатдан фойдаланиб, у кишидан бу маълумот ҳақида сўрадик. Муҳтарама олима ўз фикрларини билдириб, бу борада ҳеч қандай маълумотга эга эмасликларини айтди. Агар шундай маълумот бўлса, бу ажойиб янгилик ва сиз бу ҳақда бирор мақола ёзишингиз мумкин, биз уни нашр қиламиз.*

*Ушбу суҳбатдан сўнг, ушбу маълумотни қадимий шаҳар тарихи ихлосмандларига имкон қадар тезроқ етказишни зарур деб билдим, шоядки, бу фойдадан холи бўлмаса.*

***Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ***

* * *

Афсуски, бу мақола ёзилганидан бери ўтган 30 йил давомида академик Б.Валихўжаевнинг юқорида келтирилган мақоласидан бошқа тадқиқот яратилмади. Бу мақолани кенгайтириб, рисола ёки илмий лойиҳага айлантиришга устознинг умри вафо қилмади...

## "ЕТТИ ИҚЛИМ ХАРИТАСИ"НИ ТИКЛАШ КЕРАК(МИ)?

Фикримизча, Улуғбек мадрасасининг пештоқига юлдузли осмон тасвири туширилгани эътиборга олинса, унинг деворларидан бирига, шунингдек, расадхона биноси деворларига етти иқлим харитаси ҳамда бу иқлимларнинг энг диққатга сазовор объектларининг тасвири туширилиши ғоят табиийдир (Дарвоқе, Амир Темурнинг Самарқанд атрофидаги боғларидан биридаги кўшкларнинг бирига Жаҳонгирнинг Ҳиндистон сафарларига оид расмлар туширилганини Заҳириддин Муҳаммад Бобур эслатиб ўтади. Демак, биноларнинг деворларига тасвирлар тушириш Темурийлар даври меъморчилигининг ажралмас қисми бўлган). Бу мадраса дунёвий фанлар кенг ўқитилган, ўз даврининг илмий-тадқиқот муассасаси эди. Унда даврининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳарбий, тижорий эҳтиёжларига жавоб берадиган, уларнинг муаммоларига ечим таклиф қиладиган тадқиқотлар олиб борилар эди. Бу мадрасанинг мударрис ва талабалари томонидан ишлаб чиқилган "Юлдузлар харитаси" карвонларнинг йўлдан адашмаслиги, фасллар ва ойларнинг алмашиши, дарёлар сувининг кўпайиб-озайиши, чорвани бир ҳududдан бошқа ҳудудга кўчириш муддатларини белгилашда инсонларга ёрдам берар, иқлимлар ва ўлкаларнинг харитаси яна ўша Ипак йўлидаги тижорий фаолиятни ривожлантиришга хизмат қилар эди. Бу ҳоллар бинонинг меъморчилигида, нақшларида ва бошқа унсурларида рамзий равишда акс эттирилиши табиий эди. Бу сурат бинонинг муҳим орнаменти бўлгани ва у шу сабабли бино қурилганидан 300 йил кейин ҳам тарихчининг эътиборини тортгани маълум. Бу орнамент бугун учун ҳам жуда муҳим деталь... "Етти иқлим харитаси"ни қайтадан бунёд этиш мадраса тарихининг жуда муҳим тарафини қайта тиклаш ҳамда унинг туризм учун қийматини янада ошириши тайин... Аммо сарлавҳада қайд этилганидек, мадраса деворларидаги "Етти иқлим харитаси"ни тиклаш керак(ми)?

**БУЮК ДАҲО ИСТЕЪДОДИНИНГ БИР ҚИРРАСИ – МАТЕМАТИКА (РИЁЗИЁТ)НИ АСТРОНОМИЯ МУАММОЛАРИГА ТАТБИҚ ҚИЛИШ МАҲОРАТИНИ КЎРСАТГАН ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ БУ.**

Улуғбек мадрасаси ўзининг 600 йиллик тарихида кўп марта таъмирланган. Охирги таъмирлаш ишлари шаҳримизнинг 2750 йиллиги арафасида 2007 йилда амалга оширилди. Ўзбек усталарининг маҳорати туфайли мадраса ўзининг эски тароватига қовушиб, бутун дунёдан туристларни ўзига жалб қилмоқда. Туризм мавсуми авжига чиққан ойларда бу ерга миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради.

Аммо асрлар ва йиллар ўз ишини қилган. Тўғрисини айтиш керак, ҳозир мадраса деворлари ва умуман, бутун бинога ғоят эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозим. У жуда ҳилвираб турибди. Унинг деворларига айтайлик, XVII аср бошларигача мавжуд бўлган харита тасвирини тушириш тугул, биттагина мих қоқиш ҳам хатарлидир.

Шу сабабли, бу харитани тиклашда дунё тажрибасига мурожаат қилиш керак. Масалан, Мисрда ёки Ватиканда тарихий бинолардаги энг муҳим фигура ёки деталнинг моделини ясаб ёки музейга, ёки бино (туристик объект) саҳнига қўйишади.

Улуғбек мадрасасининг деворларига туширилган "Етти иқлим харитаси" суратини ҳамда унинг пештоқидаги юлдузли осмон харитасини (тасвирини) бино ёнидаги паркда девор тиклаб, шунга тушириш мумкин. Туристларга бу нусхалар кўрсатилиб, тушунтирилади. Бу тасвирларни вужудга келтириш учун мусулмон дунёсида XVIII асргача амал қилинган хариталардан, шу жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Турк дунёси харитаси"дан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган Учинчи Ренессанснинг ижтимоий-иқтисодий, илмий ва таълимий асосларини барпо қилиш вазифаси бутун ўзбек олимлари олдига Иккинчи Ренессанс тажрибасини ўрганиш, ота-боболаримизнинг илмий меросини чуқур тадқиқ этиш ва оммалаштириш вазифасини қўймоқда. Улуғбек мадрасаси деворига туширилган "Етти иқлим харитаси" ҳам ана шундай қутлуғ меросимиздир. Уни тегишли шаклда қайта тиклаш зарур.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-346.
13787 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 03:41 Топширилди — 03:55